

Ташходжаев Муроджон Валижонович
Андижон давлат техника институти
ўқитувчиси
muroddomla@gmail.com.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА АНДИЖОН ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИГА АҲОЛИ ЭВАКУАЦИЯСИ

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг ғарбий районларидан аҳолини Ўзбекистон ССР ҳудудларига эвакуация қилиниши, кўчириб келтирилган аҳоли вакиллари ҳамда боқувчисини йўқотган болаларнинг Андижон, Наманган областларига жойлаштирилиши, уларга маҳаллий аҳолининг кўрсатган инсонпарварлик ёрдамлари масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *Иккинчи жаҳон уруши, эвакуация, кўчириш, аҳоли, жойлаштириш, боқувчисини йўқотган, мурожаат, қарор, пленум.*

ЭВАКУАЦИЯ НАСЕЛЕНИЯ В АНДИЖАНСКУЮ И НАМАНГАНСКУЮ ОБЛАСТИ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

В статье описывается эвакуация населения из западных областей СССР на территории Узбекской ССР в годы Второй мировой войны, расселение переселенцев и детей-сирот в Андижанской и Наманганской областях, а также гуманитарная помощь, оказанная им местное население.

Ключевые слова: *Вторая мировая война, эвакуация, переселение, население, расселение, выживший, обращать, решение, пленум.*

EVACUATION OF THE POPULATION TO THE ANDIZHAN AND NAMANGAN REGIONS DURING THE SECOND WORLD WAR

The article describes the evacuation of the population from the western regions of the USSR to the territory of the Uzbek SSR during the Second World War, the resettlement of displaced persons and orphans in the Andizhan and Namangan regions, as well as the humanitarian assistance provided to them by the local population.

Key words: *World War II, evacuation, resettlement, population, resettlement, survivor, appeal, decision, plenum.*

Ўзбек халқининг инсонийлик, олийжаноблик, болажонлик фазилатлари уруш йилларида СССРнинг ғарбий вилоятларидан кўчириб келтирилган аҳолига, болаларга кўрсатган очик кўнгиллиги, ҳамдардлиги ва ғамхўрлигида ҳам ўз ифодасини топди. Иккинчи жаҳон урушининг СССР ҳудудларига кўчган дастлабки йилларида аҳолини фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудлардан хавфсиз ҳудудларга кўчириш стратегик аҳамиятга эга эди. Ўзбекистон ССР ушбу даврда эвакуация қилинган аҳоли, айниқса, ота-онасиз қолган болалар учун асосий бошпанага айланди. Тадқиқотнинг мақсади уруш йилларида ўзбек халқининг инсонпарварлик фазилатлари, ҳукумат томонидан кўрилган ташкилий чоралар ва эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш кўламини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотда тарихий-қиёсий таҳлил, архив ҳужжатлари ва статистик маълумотлар билан ишлаш методларидан фойдаланилди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1941–1942-йиллардаги қарорлари, шунингдек, турли вилоятлар бўйича архив кўрсаткичлари қиёсий ўрганилди.

Мақолада Ўзбекистоннинг урушдаги ғалабага қўшган ҳиссасини ёритувчи классик совет даври адабиётларидан кенг фойдаланилган. Бу асарлар эвакуация жараёнининг иқтисодий ва ижтимоий қўламини статистик жиҳатдан асослаш учун хизмат қилган. Тадқиқотда совет даври адабиётлари билан бир қаторда, мустақиллик йилларида чоп этилган янги авлод дарслик ва қўлланмаларига ҳам мурожаат қилинган. Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон Миллий архиви маълумотларидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1941–1942- йиллардаги қарорлари каби манбалардан фойдаланилган. Бу манбалар мақолага холислик бағишлайди ва воқеаларга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан баҳо беришга ёрдам беради.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон ССРга аҳолини кўчириш ва жойлаштириш жараёнидаги миқдорий кўрсаткичлар, ҳудудий тақсимот ва ижтимоий таъминот масалаларига доир материаллар ва статистик маълумотлар ўрганилиб, таҳлиллар натижасига кўра қуйидаги асосий кўрсаткичлар ва натижалар аниқланди:

Урушнинг дастлабки йилларидаёқ республика ҳудудига Россия, Украина, Белоруссия, Молдовия ва Болтиқбўйи республикаларидан 1 миллиондан ортиқ киши, шу жумладан 200 мингдан ортиқ етим болалар кўчириб келтирилди.

1941-йил 10-июлда ХКС қошида махсус комиссия, шунингдек, жойларда эвакуопунктлар, болаларни қабул қилиш ва уларни тақсимлаш марказлари ташкил этилди.

Андижон вилоятига 100 000 киши, Наманган вилоятига 53 600 киши жойлаштирилди.

Эвакуация қилинганлар орасида ўқитувчилар, муҳандислар ва малакали ишчилар ҳам бор эди.

Кўчириб келтирилган аҳолини жойлаштириш ишлари республиканинг барча вилоятларини камраб олди.

Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги инсонпарварлик ёрдамининг қўламини нафақат маънавий, балки аниқ иқтисодий ва статистик рақамлар билан ҳам исботланади.

Ўзбек халқи урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия, Молдовия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан кўпроқ кишиларни, шу жумладан, 200 мингдан ортиқ етим болаларни ўз бағрига олди [10; 454-б.]. Кўчириб келтирилган аҳолини қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва уларга зарур шарт – шароитлар яратиш масалаларини меҳнат жамоаларининг йиғилишларида муҳокама қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг қулоқ ёйди. Ўзбекистон ССРда эвакуопунктлар (болаларни эвакуация қилиш пунктлари) ташкил этилди. Ўзбекистон ССРда ташкил этилган бу эвакуопунктлар Ўзбекистон ССР ХКСнинг бевосита раҳбарлигида вилоят, шаҳар ва туманларда ўз бўлимларини ташкил қилдилар. Жойларда тузилган бўлимлар кўчириб келтирилган аҳолини қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва озиқ-овқат, кийим-бош, тиббий ёрдам ҳамда бошқа зарурий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш устидан назорат қилиб турди. Эвакуопунктлар болаларни қабул қилиб олиш, уларни болалар уйларига, коллективларга жойлаштириш, яқка тартибда тарбияга олиш, ўқитиш, ишлаб чиқаришга юбориш, адашиб юрган, балоғатга етмаган, қаровсиз қолган болаларни топиб рўйхатга олиш, уларни режали равишда жойлаштириш каби масъулиятли ишларни бажаришди. Шунингдек, эвакуопункт ходимларига бутун жамоатчилик, фаоллар, аҳоли вакиллари ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

1941-йил 3-декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш ва жойлаштириш юзасидан махсус қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ота-онасиз қолган болаларга ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошида 1941-йил 10-июлда тузилган махсус республика комиссияси ва маҳаллий советларнинг ижроия қўмиталари қошида тузилган алоҳида бўлимлар кишиларни ҳисобга олиш ва жойлаштириш билан шуғулландилар. Кўчириб келтирилганлар шаҳар ва қишлоқ туманларига жойлаштирилди. Жумладан, қисқа муддат ичида 1941–1942-йилларда Андижон областига 100 минг,

Самарқанд областига 165 минг, Наманган областига 53600 киши жойлаштирилди [4; 98-б.]. Республикага болалар билан биргаликда болалар уйлари ҳам кўчириб келтирила бошланди. Улардаги болалар республикадаги олдиндан мавжуд болалар уйларига, интернатларга ва бошқа болалар муассасаларига, қолганлари эса жамоа ва шахсий тарбияларга берилди.

Эвакуация қилинганлар орасида кўплаб мактаб ўқитувчилари ҳам бор эди. Шу боис ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилган. Уларни турар жой, озиқ-овқат, кийим бош билан таъминланиб, уларнинг фарзандлари биринчи навбатда болалар боғчаларига жойлаштирилган эди. Кўчириб келтирилганлар Ўзбекистондан бошпана топдилар, иш билан таъминландилар. Ўзбек халқи ўз нони, кийим-кечаги, турар жойини кўчиб келганлар билан баҳам кўрди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ташаббуси билан бутун республикада кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзига 1941-йил 24-ноябрдан 31-декабргача 37,6 мингдан ортиқ киши, 1941–1942-йилларда эса қарийиб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди [11; 25-б.].

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошида болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия тузилди, унинг ишида 30 нафар хотин-қизлар фаолият кўрсатдилар. Ўзбекистон ССР халқ маорифи комиссарлиги ташаббуси билан болаларни қабул қилиш-тақсимлаш маркази тузилди. Ўзбекистон ССРнинг барча областлари, шаҳар ҳамда районларида болаларни қабул қилиш пунктлари очилди, уларда ўқитувчилар кечаю кундуз навбатчилик қилдилар. Милиция бўлимлари қошида 30 дан ортиқ болалар хоналари ташкил этилди.

Кўчириб келтирилган болалар турлича ёшда эдилар. 15 ёшгача бўлган болалар болалар уйлари, мактаб-интернатларга жойлаштирилиб, уларда ўқув-тарбиявий ишлар ҳам йўлга қўйилди. Фабрика- завод таълими мактаблари, хунар ва темирйўл билим юртларининг собиқ талабалари ўқишни давом эттириш учун республика завод-фабрика таълим мактабларида ўқишга жалб этилди. 15 ёшдан катта бўлган болалар эса ишлаб чиқаришга, корхона ва ташкилотларга, колхоз ва совхозларга ишга жойлаштирилди.

1941-йил 15-декабрга қадар эвакуацион пунктларнинг маълумотига кўра, республикага 525000 нафар киши эвакуация қилиниб келтирилиши режалаштирилган эди. Амалда Ўзбекистон ССРга эвакуация қилинган ва жойлаштирилганлар сони бу даврда 665419 кишини ташкил қилди [12; 275-б.].

1942-йил 2-январда Тошкент шаҳрида хотин қизларнинг йиғилиши бўлиб, унда республикадаги барча аёлларга қарата мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда етим болаларни ўз тарбиясига олишга даъват этилди. Кўплаб оилалар боқувчисиз қолган болаларни ўзларига фарзандликка олдилар, топган-тутганларини улар билан баҳам кўрдилар. Ўзбекистон ССР раҳбарларидан Усмон Юсупов ва Йўлдош Охунбобоевлар оиласи ҳам етим болаларни ўз тарбиясига олдилар.

Кўпгина оилалар иккита ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомахмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри ая Акрамованинг номлари кўпчиликка танишдир, улар турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 13 болани асраб олди, самарқандлик колхозчи аёл Фотима Қосимовалар оиласи 10 болани ўз қарамоғига олди. Янгийўлда 9 та колхоз жамоаси кўчириб келтирилган 169 болани ўз тарбияларига олдилар. Бухоролик Муаззам Жўраева ва Ашурхўжаевлар ўз бағриларига 8 нафардан болаларни олдилар. 1942-йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, кишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди [1; 75-б.].

1941-йил 3-декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш ва жойлаштириш юзасидан махсус қарорига асосан Фарғона водийси вилоятларига ҳам эвакуация қилинган аҳоли вакиллари зудлик билан жойлаштирилди. Жумладан, 1942-йилнинг бошларида Андижон областига ҳам қисқа муддат ичида 100 минга яқин эвакуация қилинган аҳоли вакиллари жойлаштирилганлигини

68 юқорида бежизга таъкидлаб ўтмагандик. Шулардан 70 мингги шаҳарларга ва 30 мингга яқини қишлоқларга жойлаштирилди [5; 13–14-б.]. Наманган вилоятига эса 1941 йил Украина, Белоруссия, Болгария, Болтиқбўйи республикаларидан 19 минг киши эвакуация қилинди. Наманган тумани хўжаликлари Волоколамск шаҳридан кўчириб келтирилган болалар уйини оталиққа олдилар. Ўша пайтда ота-онасиз қолган 300 дан ортиқ болаларга ғамхўрлик кўрсатилди. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон ва Поп туманларида махсус болалар уйлари очилди. [9; 6–7-б.].

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1941-йил 5–7- декабрда ўтказилган V Пленуми эвакуация қилинган фуқароларни қабул қилиш ва жойлаштиришга алоҳида эътибор берди, бу масалада махсус қарор қабул қилди. Ўзбекистон ССР бўйича 1942 йил баҳоригача эвакуация қилинган аҳоли вакилларида 716 минг киши қабул қилиб олинди ва улар учун зарур шарт- шароитлар яратиб берилди [8; 141-б.].

Фақат Андижон областининг Ильичевск райони (олдинги Ворашилов ҳозирги Қўрғонтепа тумани 1961–1962-йилларда Ильичевск райони деб номланган)га 270, Пахтабод, Холдовонбек районларига 850, Андижон районига 1890 нафар болалар жойлаштирилди. Эвакуация қилинган аҳоли вакилларида Пахтабод районига 92, Ильичевск районига 76, Хўжабод районига 39, Жалақудуқ районига 97 оила, Андижон шаҳрига эса 167 оила вакиллари жойлаштирилган эди [6; 14-б.].

1941-йил 27-июлда Наманган областига эвакуация қилинган аҳоли вакилларида 3000 киши жойлаштирилди. Чунончи Наманган районида 350 киши, Янгиқўрғон районида 400, Тўрақўрғон районида 350, Уйчи районида 300, Косонсой районида 300 киши қабул қилинди [7; 13-б.].

Наманган област партия комитетининг 1941-йил 18-ноябрда бўлиб ўтган йиғилишида кўчириб келтирилган аҳолини жойлаштириш, уларни етарли шарт-шароит, иш билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилиш қарорида жойлардаги мутасаддиларга кўчириб келтирилган фуқароларга алоҳида ғамхўрлик қилиш тўғрисида кўрсатмалар берилди [2; 13-б.].

Йиғилиш қарорида янги кўчириб келтирилаётган 19000 фуқароларни жойлаштириш бўйича тадбир-чоралар белгилади. 1941-йил охиригача областнинг шаҳар ва районларига жами 53600 кишини қабул қилиш режалаштирилган эди [3; 13–14-б.].

Маҳаллий ташкилотлар кўчириб келтирилган аҳоли вакилларида моддий маблағ билан ҳам ёрдам уюштирдилар. Бу соҳада ҳам Наманган областида ибратли ишлар амалга оширилди.

Наманган област ижроия комитети 1941-йил 26-декабрда областнинг шаҳар ва районларига кўчириб келтирилган фуқароларга моддий ёрдам уюштириш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Шу қарорга кўра 118 000 сўм маблағ ажратилиб, ушбу маблағ район ижроия комитетлари томонидан кўчириб келтирилган аҳоли вакилларида тақсимлаб берилди [13; 2-б.].

Хуллас, уруш йилларида ўзбек халқи ўзининг бағрикенглиги, меҳмоннавозлиги, сабр-тоқати ва бардошини яна бир марта намойиш этиб, дунё халқларини ҳайратга солди. Эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш ва жойлаштириш, айниқса Ўзбекистонга эвакуация қилиниб келтирилган етим болаларга ота-оналик қилиш ҳаракати юзага келганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ота-онасидан ажралиб қолган 250 минг бола ва ўсмирлар Ўзбекистондан бошпана топганлар. Кўчириб келтирилган аҳоли вакилларида ғамхўрлик кўрсатишда бутун республика аҳолиси билан бир қаторда турган Андижон ва Наманган областларининг маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам фаол қатнашдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. – Ташкент, 1975.